
ЎзА сурати

Акция доирасида

# Болаларга шодлик улашиб

**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар ташкилотлари томонидан ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.**

Жумладан, Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи бошланғич касаба уюшмаси томонидан 200 нафар бола иштирокида бадиий-мусиқий кеча ҳамда «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида шаҳардаги Марказий маданият ва истироҳат боғида болажонлар учун кўнгилочар дастурлар ташкил этилди.

Бухоро вилоят божхона бошқармаси касаба уюшма қўмитаси томонидан «Болаларга беринг дунёни!» деб номланган бадиий композицион, спорт-соғломлаштириш дастури ташкил этилди. Шу куни ходимларнинг 150 нафардан ортиқ фарзандлари учун асфалтда расм чизиш, тасвирий санъат, арғимчоқ учиш, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ташкил этилди. Болажонларга турли ширинликлар, эсдалик совғалари, мусобақа ғолибларига медаллар тарқатилди.

**Ҳаётжон ШАРИПОВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси**

* * *

**Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят Ахборот-кутубхона марказида болалар учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.**

Унда ходимлар фарзандлари ва фаол китобхон ўқувчилар қатнашди.

Болажонлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар тадбирга янада файз бағишлади. Ахборот-кутубхона маркази касаба уюшмаси томонидан иштирокчиларга совғалар улашилди.

**М.ҒАФУРОВА,**
**Ахборот-кутубхона маркази касаба уюшмаси раиси**

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Кўзларида қувонч порлайди

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан «ТошкентЛенд» истироҳат боғида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида ташкил этилган хайрия акцияси болажонларга чексиз қувонч улашди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган мазкур тадбир Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари, пойтахтдаги «Меҳрибонлик» уйлари ва SOS болалар маҳаллалари тарбияланувчилари ҳамда Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийлар, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин фарзандлари шу куни мириқиб дам олишди.

— Муассасамизда 83 нафар бола тарбияланади, — дейди Гулистон шаҳар болалар шаҳарчаси тарбиячиси Лобар Раҳимова. — Бугунги тадбирга 64 нафар болани олиб келдик. Уларга байрам муносабати билан ташкилотчилар томонидан салқин ичимлик ва музқаймоқлар тарқатилди. Болажонлар унутилмас таассуротга эга бўлди. Ҳар йили кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга раҳмат деймиз.

— Истироҳат боғида барча аттракцион ва ўйин қурилмаларидан бепул фойдаландик, — дейди SOS болалар маҳалласи тарбияланувчиси Сарвар Маҳмудов. — Менга кўл бўйлаб қайиқда сайр қилиш жуда ёқди.

Болалар кўзида порлаган қувонч бизнинг кўнглимизга ҳам ўзгача завқ бағишлайди. Чунки, улар эртамиз эгаси, ҳаётимиз давомчиларидир.

**Ўз мухбиримиз**

Сайлов — 2016

# Юксак савияда ўтмоқда

**Мўйноқ туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов жараёни уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шу кунгача мавжуд 11 маҳалланинг 5 тасида раис ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди.**

Туман марказидаги «Толлиўзак» маҳалла фуқаролар йиғинида раис ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш муқобиллик асосида ўтказилди. МФЙ раислигига Гулнар Нурсейтова ва Бийбихан Утамбетованинг номзоди қўйилди.

Номзод Б.Утамбетованинг дастури маҳалладошларига маъқул тушди. У 2387 нафар аҳоли истиқомат қиладиган «Толлиўзак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Эл юкини зиммамга олар эканман, катта масъулият ва жавобгарликни ҳис этаяпман, — деди Б.Утамбетова. — Янги сайланган 11 нафар маслаҳатчи ва маҳалламиз фаоллари кўмагига суянган ҳолда хайрли ва эзгу ишларни амалга оширамиз.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Бу муқаддас Ватанда

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: ҚУЁШ СУЙГАН

(1).

Ватанимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини тобора яхшилаш йўлида олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самаралари Андижон вилояти мисолида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда.

Кенг ва равон йўллар, намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, пухта меъморий ечимга эга инфратузилма объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва маърифат масканлари, боғу хиёбонларнинг ораста ва файзиёблиги бугунги жўшқин ҳаёт қозонида қайнаётган андижонликларнинг она юртга меҳр ва садоқати рамзи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлари самараси, албатта.

### БУНЁДКОРЛИК НАФАСИ

Кейинги йилларда вилоятда турли муҳим саналар арафасида янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа бинолари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга туширилиши одатий ҳолга айланди. Анъанага мувофиқ, жорий йилнинг дастлабки даврида умумий қиймати қарийб 32 миллиард 176 миллион сўмга тенг 62 та объект фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотлар халқимизнинг ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида Андижон шаҳрининг Амир Умархон ҳамда Юксалиш кўчалари кесишмасида барпо этилган 300 ўринли муҳташам қўғирчоқ театри фойдаланишга топширилди.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган объектда «Бунёдграндсервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан қарийб 8 миллиард 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу кошонани бунёд этишда фойдаланилган барча қурилиш материаллари юртимизда ишлаб чиқарилган.

Театр биносининг шифти худди фазо кемасини эслатади. Ўртасидаги галактика тасвири болажонларни ширин хаёллар ва эртаклар оламига етаклайди. Ички деворларда қўғирчоқ театри тарихига оид тасвирлар, эртак қаҳрамонларининг суратлари акс этган. Юқори қаватдан пардозхона, маънавият ва маърифат хоналари, музей, кутубхона, шунингдек, компютер ва информатика, драма тўгараклари фаолият кўрсатувчи хоналар, хореография заллари жой олди.

Бинонинг остки қисмида эса қўғирчоқларни ясаш, таъмирлаш, сақлаш махсус устахоналари, дам олиш хонаси билан бирга яна қатор қулайликлар яратилди. Қарийб 1 гектар майдонни эгаллаган театр биноси атрофида болажонлар учун катта-кичик тантаналарни ўтказишга мўлжалланган майдон, турли аттракционлар барпо этилди.

— Истиқлол инъоми бўлган ушбу кошона юртимиз кўркига кўрк қўшиб, фарзандларимизга хизмат қилиши, қувонч ва завқ улашиши шубҳасиз. Театр жамоаси ҳам бу каби имкониятларга жавобан бадиий эстетик жиҳатдан мукаммал, мазмунан теран, юксак тарбиявий аҳамиятга эга асарларни саҳнага олиб чиқиш йўлида изланмоқда, — дейди театр директори Беҳзод Қурбонов.

Эътиборли жиҳати, айни кунларда Андижоннинг Боғишамол даҳаси ҳудудида улкан ҳайвонот боғи қурилиши қизғин тус олган. Бунёдкорликнинг мантиқий давоми бўлган бу объект мустақиллигимизнинг 25 йиллиги нишонланадиган йилда болажонларга чинакам совға бўлади. Умумий қиймати 2 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида турли ҳайвонлар, қушлар сақланадиган жойлар ҳамда улкан аквариум қурилмоқда.

Бош пудратчи — «Хон» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Мухторжон Халиловнинг таъкидлашича, Буюк ипак йўли бўйида бунёд этилаётган мажмуа қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Масканга келган болаларда табиатга меҳр уйғониши зарур. Шу мақсадда кириш йўлакларидан тортиб ҳар бир ҳайвон сақланадиган хонагача ўзига хос кўринишга эга бўлади. Бундан ташқари, болалар учун тамаддихона ва зоомагазин қурилиши кўзда тутилган. Бу ишга вилоятдаги энг тажрибали қурувчилар жалб этилди.

Истиқлол айёмига атаб барпо этилаётган иншоотлар хусусида сўз юритар эканмиз, Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасида қад ростлаётган қиличбозликка мўлжалланган спорт саройини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш борасида вилоятда дадил қадамлар ташланмоқда. Андижон бокс мактабининг наинки мамлакат, балки дунё миқёсида эътироф этилгани, бу заминдан ўнлаб Осиё ва Жаҳон чемпионлари етишиб чиққанлигининг ўзиёқ, энг аввало, спортга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан дарак беради. Эндиликда ҳаёт синовларидан ўтган мана шу тажрибани спортнинг бошқа соҳалари, хусусан, қиличбозликка татбиқ этиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилди. «Андижон тезкор қурилиш» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан бунёд этилаётган спорт кошонаси шу жиҳатлари билан эътиборга молик. Айни пайтда Ўзбекистонда ягона бўлган ушбу марказ халқаро андозаларга мос келади. Бу эса, ўз навбатида, қиличбозлик бўйича Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларни келгусида Андижонда ўтказиш имконини беради.




### САВДО МАДАНИЯТИ

Гап бунёдкорлик ҳақида борар экан, вилоят марказида Марказий деҳқон бозорининг қайтадан қад ростлаши аҳоли кўнглидаги иш бўлди. Бозор майдони деярли 1 гектарга кенгайтирилиб, 4,1 гектарга етказилди. 880 савдо ўрнига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари очиқ расталари, иссиқ нон, мева-сабзавот, гўшт, сут, қандолат маҳсулотлари савдоси учун алоҳида ёпиқ павилонлар қурилиб, сотувчи ва харидорларга барча шароит яратилди. 600 тонна мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган совутгич ишга туширилди. Автомашиналар тўхташ жойи, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари бозор фаолиятини замонавий асосда йўлга қўйиш имконини яратди.

Бозорни кезамиз. Шарқ бозори. Сотувчилар ҳали у молини, ҳали бу молини мақтайди. Харидорларни қизиқтиришади. Бир вақтлар колхоз дўконига келган бир хил кўйлакдан ҳаммада бўларди. Ўлчами мос келса бас эди. Ҳозир эса танлайсан, танлашга имконинг бор. Дўпписини қия қўндирган бир йигитнинг сотувчи билан мунозараси қулоққа чалинади:

— Импиртний деб ҳадеб мақтайверма, ашна. Ўзимизникидан беровур. Қайтамга яхшироқ. Нархиям бизга тўғри келади.

— Номимиз тадбиркор бўлса ҳам бизга нисбатан харидорларнинг муносабати турлича эканлигини сезиб турардик, — дейди қандолат растасида савдо қилаётган тадбиркор Муҳаммаджон Фозилов. — Бунинг сабаби дуч келган жойда савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрганимиз эди. Марказий деҳқон бозоридаги ёпиқ иншоот, шинам расталар, йўлакларга сув келтирилгани, теварак-атрофдаги хиёбонларнинг ўриндиқлар билан жиҳозлангани, устунлардаги ҳикматли сўзлар, бозор радиоси орқали маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришлар — буларнинг барчаси тадбиркор деган номимизга ярашиб турибди. Янги бозор дунёқарашимизни ҳам янгилади. Юртимизда тадбиркорлик йўлида рўёбга чиқарилаётган эзгу юмушларга жавобан савдо маданияти борасида астойдил ишлаяпмиз.

Яқинда вилоят ҳудудидан ўтувчи «Тошкент-Ўш» ҳамда «Фарғона ҳалқа йўли» автомобил йўллари кесишмасида барпо этилган катта кўприк ҳам фойдаланишга топширилди.

Мазкур қурилиш иншооти 2013 йилги инвестиция дастурига киритилган бўлиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Икки йил давомида қарийб 24,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Янги кўприкнинг эни 24,7 метр, узунлиги 420,57 метрни ташкил этади. Трассанинг узунлиги 1 минг 289 метрга тенг бўлиб, жами 48000 кв. метр майдонни эгаллайди. Халққа асрлар давомида хизмат қилувчи янги кўприк мамлакат иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

### «ПЎЛАТ БЕЛБОҒ»

Айтиш мумкинки, мустақиллигимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилаётган ҳар бир сана қувончли янгиликларга бой бўлмоқда. Ана шундай ҳузурбахш воқеалардан бири — «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилишидир. Пойтахтдан йўлга чиққан карвоннинг пўлат излар орқали Андижонга кириб келишини барча бирдек орзиқиб кутаётганлиги рост.

Янгиликнинг қаноти бор дейдилар. Улкан темир йўл қурилиши ҳудуд инфратузилмаси ўзгаришларига ҳам олиб келяпти. Юрт кўркига кўрк қўшадиган муҳташам кошоналар қад ростлаяпти. Андижон темир йўл вокзалининг ҳашаматли биносини кўрган кишининг ақли шошади. Мажозий айтганда, вилоятнинг кириш дарвозаси бўлган мазкур иншоотда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Қурилиш универсал компакт сервис», «Вентажқурилишсервис» масъулияти чекланган жамиятлари мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан 350 ўринли кутиш зали, тамаддихона, оналар ва болалар, тиббиёт хоналарида бугунги кун талабларига жавоб берадиган шарт-шароит яратилди. Вокзал олдидаги майдонда кўрган кўзни қувнатувчи фаввора ҳамда ўнта гулхона барпо этилди. Малакали дизайнерларнинг таклифлари асосида ёритгичлардан тортиб йўлакларга ўрнатилган брусчаткаларнинг рангигача ўзаро уйғунлик касб этгани замонавий шаҳарсозлик андозаларига тўла мос келмоқда. Бундан ташқари, «Темир йўл масофаси» корхонаси таркибидаги Андижон-1 бекати қурувчилари 2 минг 700 метр масофада пўлат йўлларни тўла янгилашни ўз зиммасига олган эдилар. Бу юмушлар юқори сифат ва талаб даражасида адо этилди.

— Очиғини айтганда, 19 километрлик тоғости йўли қуриш ҳамда баланд тоғлар оша темир излар ётқизиш жаҳон тажрибасида ҳам ўта мураккаб юмуш ҳисобланади, — дейди Қўқон минтақавий темир йўл узели бошлиғининг Андижон ҳудуди бўйича ўринбосари Расулжон Мадмаров. — Пойтахт билан водий вилоятларини боғловчи ушбу «пўлат белбоғ» бир қатор ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа муаммоларнинг ечимини топишда, хусусан, янги иш ўринлари очиш, инфратузилма ҳамда туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун юртдошларимиз бу муҳим санани катта тайёргарлик ҳамда шодиёна билан кутиб олиш тараддудида.

Транспорт соҳаси ҳақида гап кетганда, мамлакатимиз автомобил саноатининг юраги — Асака шаҳрида фаолият кўрсатаётган «GM-Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти алоҳида тилга олинади. Айни пайтда 10 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхонада T-250 лойиҳаси доирасида «Евро-5» талабларига мос «Равон» бренди остидаги дастлабки «Нексия-R3» автомобиллари харидорларга етказиб берилаётир. Италия технологияси асосида метан газга мослаштирилган «Ласетти» автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича дастлабки қадамлар қўйилгани, шубҳасиз, йил воқеаларидан биридир. Муҳими, соҳада маҳаллий хомашё ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан кенгроқ ва самарали фойдаланишга эътибор қаратиляпти. Натижада, бутловчи қисмлар импортини қисқартириш ва уларни ўзимизда тайёрлаш, яъни маҳаллийлаштириш ишлари фаол олиб борилмоқда. Бу машинасозлик, металлургия, радиоэлектроника, нефтни қайта ишлаш, кимё,



Ташаббус қанот ёзмоқда

# 25 ЙИЛЛИККА ТАДАН ИШ ЎРНИ

## яратиш кун тартибидаги масалалардан бири

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман ва шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш ташаббуси Андижонда ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг жорий йил 22 январдаги мазкур йўналишга оид қарори ижросига кенг эътибор қаратилаётир.

Фаолиятга янгича ёндашув Марҳамат туманида ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда ижтимоий шерик ташкилотлар ҳамкорлигида ҳудуд марказидаги фойдаланилмаётган бўш бинолар аниқланиб, тадбиркорлик субъектлари очилди. Натижада, 8 та иш ўрни яратилди. Бунинг учун кенгаш томонидан 3 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

— Коллеж битирувчиларига уч томонлама шартнома асосида касаба уюшмалари томонидан фоизсиз ссудалар ажратилаётгани барчага маъқул келмоқда, — дейди кенгаш раиси Нурмуҳаммад Сарболаев. — Маблағ йил давомида тўлов жадвали асосида қайтарилади. Янги иш ўринлари яратишда, биринчи навбатда, ҳудуд аҳолисининг хизмат турларига эҳтиёжи ҳисобга олинмоқда.

— Касаба уюшмаларининг моддий кўмаги билан тикувчилик фаолиятини бошладим, — дейди Зилола Абдуллаева. — Тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, зарур жиҳозларни харид қилиш юзасидан яқиндан ёрдам беришди. Муҳими, яна уч нафар тенгдошим ҳам шу ерда иш билан банд бўлди. Дастлабки маҳсулотларимизга буюртмалар келиб тушмоқда. Келажакда фаолиятимизни кенгайтириб, ички бозорда ўз ўрнимизни эгаллашимизга ишонаман.

Кун тартибидаги масала ҳар бир ҳудудда босқичма-босқич, белгиланган режа асосида олиб борилятпи. Ташкил этиладиган фаолият турлари асосан сартарошлик, қандолатчилик, маиший техника воситалари ва пойабзал таъмирлаш, новвойчилик, тикувчилик, карчер, компютер хизматлари, тўлов хизмати, паррандачилик, қуёнчилик, ветеринария хизмати, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш, мебелчилик, терини қайта ишлаш йўналишларидан иборат. Муҳими, йил давомида шу йўл билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 25 тадан жами 425 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

**Ҳамидулла МАТИСАЕВ**

